



“Сув таъминоти ва оқава сув объектларини қуриш бўйича ИК” УК Фарғона вилояти худудидй бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 30 сентябрдаги 457-сонли хатингизга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрел кунги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар”ги ПҚ-5072 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бағдод тумани Қўғоли МФЙ худудида яшовчи аҳолини ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш мақсадида қуйидаги ишлар бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Бағдод тумани Қўғоли МФЙ худудида ичимлик суви тизимини қуриш учун уланиш нуқтаси: Қўғоли МФЙ худудига ичимлик сув иншооти қуриш, 1 дона электр тежамкор ичимлик сув насоси ўрнатиш, гидравлик ҳисоб-китобларга кўра лойиха асосида ичимлик сув тармоғи замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНК, ҚМК хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха смета хужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха смета хужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Таёрланган лойиха-смета хужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Бош муҳандиси:

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
ИЧБ мутахассиси:



И.Абдуллаев

И.Абдуллаев